

Менинг юзланадиган Роббим бор



19:00 / 10 февраль 359

﴿الْأَفْلِكِ﴾ أَحِبُّ لَآ قَالِ أَفَلَّ فَلَمَّا رَبِّي هَذَا قَالِ كَوَكَبًا رَأَى الْيَلُّ عَلَيْهِ جَنَّ فَلَمَّا

«Уни тун ўраб олганида, юлдузни кўриб: «Мана шу Роббимдир», - деди. У ботганида эса: «Ботувчиларни суймасман», - деди» (Анъом сураси 76-оят).

Бут ва санамлар худо бўла олиши мумкин эмаслиги бир боқишдаёқ аён бўлди. Энди Иброҳим алайҳиссалом ўз қавми худо деб эътиқод қиладиган нарсалардан каттароқларига ҳам бир-бир назар ташлаб чиқмоқчи бўлди. Маълумки, халдонийлар юлдузни ҳам худо деб эътиқод қилар эдилар. Кишини тун ўраб олганида кўзига яққол кўринадиган порлоқ жисм юлдуз бўлади.

«Уни тун ўраб олганида, юлдузни кўриб: «Мана шу Роббимдир», - деди».

Бепоен осмонда, баланд-баландларда нур сочиб турибди. У ҳаммани кўриб турган бўлиши мумкин. Иброҳим алайҳиссаломнинг қавми ҳам бежиз юлдузга ибодат қилмаётгандир? Шунинг учун ҳам юлдуз Худо бўлиши мумкинлигини жиддий ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам мана шу юлдуз Роббидир?! Аммо... аммо... Ботиб кетди-ку? Худо бўлса, ботармиди? Худо бўлса, маълум вақтда кўриниб, маълум вақтда кўринмай қолармиди? Вақти келганда чиқиб, белгиланган вақти етганда ботиб кетармиди? Ботувчилар Худо бўла олмайди.

«У ботганида эса: «Ботувчиларни суймасман», - деди».

Хўш, бу ҳам Худо бўла олмаса, Худо қани? Бошқа ёқдан излаш керак. Қани, бир қараб кўрсин-чи, эҳтимол, топилиб қолар. Иброҳим атрофга қараб:

﴿الضَّالِّينَ الْقَوْمِمْ لَأَكْفُونَ رَبِّي يَهْدِي لِمَ لَيْنَ قَالَ أَفَلَمْ يَلْمَأْ رَبِّي هَذَا قَالَ بَارِئًا الْقَمَرَةَ فَلَمَّا

«Чиқаётган ойни кўрганда: «Мана шу Роббимдир», - деди. У ботганида: «Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўлгайман», - деди» (Анъом сураси 77-оят).

Иброҳим алайҳиссалом ойни аввал ҳам кўриб юрган эди, аммо бу сафар унга бошқача назар билан қарамоқда. Юдуздан кўра ой ёрқинроқ ва улканроқ туюлмоқда. Эҳтимол, уни Худо деса бўлар? Эҳтимол, у ботмас?

«Чиқаётган ойни кўрганда: «Мана шу Роббимдир», - деди».

Аммо... аммо у ҳам ботиб кетди-ку! Бу ҳам бўлмади.

«У ботганида: «Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўлгайман», - деди».

Аллоҳнинг Ўзи - Робби Ҳақиқийнинг Ўзи ҳидоятга бошламаса, иш чатоқ, одамнинг адашиши турган гап. Ёки яна бир бор уриниб кўриш керакми?

﴿كُشْرُكُونَ مِمَّا بَرِئُوا مِنِّي يَنْقَوِرُ قَالَ أَفَلَمْ أَكْبُرْ هَذَا رَبِّي هَذَا قَالَ بَارِئًا الشَّمْسِ رَبِّمَا فَلَمَّا

«Чиқаётган қуёшни кўрганда: «Мана шу Роббим. Бу каттароқ», - деди. У ҳам ботиб кетганида айтдики: «Эй қавмим, албатта, мен сиз келтираётган ширкка алоқадор эмасман» (Анъом сураси 78-оят).

Демак, олдинги уринишлар – ибодатга сазовор зотни излаш йўлидаги уринишлар ҳам Иброҳимнинг қавми гувоҳлигида бўлган эди. Иброҳим «Улар ибодат қилаётган нарсалар ҳақиқатан ҳам Худо бўлиши мумкинми?» деган саволга мушрик қавмнинг кўзи ўнгида уларнинг нуқтаи назарида туриб фикр юритган. Шу йўл билан уларнинг очиқ-ойдин адашувда эканликларини амалда кўрсатишга уринган. Ҳар бир инсоннинг кўзига яққол ташланиб, уни доимо ҳайратга солиб турувчи самовий жисмлардан бири қуёшдир. Эҳтимол, уни Худо деб эътиқод қилиш, унга ибодат қилиш мумкиндир?

«Чиқаётган қуёшни кўрганда: «Мана шу Роббим. Бу каттароқ», - деди».

Аммо у ҳам ботади. У ҳам маълум қоидага бўйсунди. У ҳам Худо бўла олмайди.

«У ҳам ботиб кетганида айтдики: «Эй қавмим, албатта, мен сиз келтираётган ширкка алоқадор эмасман».

Демак, қавмнинг худо деб эътиқод қилаётган нарсаларининг ҳаммаси бир пулга ҳам арзимади. Булардан воз кечиш лозим. Менинг улар билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен улардан покман. Менинг юзланадиган Роббим бор.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 22 октябрдаги 02-07/6395-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.